

**« Т А С Д И Қ Л А Н Д И »**

**"Урганч ёг-мой" АЖ**

**Акциядорларни умумий**

**йиғилишининг**

**2016 йил \_\_\_\_\_ даги**

**сонли Баёни билан**

**«УРГАНЧ ЁҒ - МОЙ» АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИНИ 2016-2020 ЙИЛЛАРДА  
СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ  
РЕЖАСИ**

**2016 йил**

**Урганч шаҳри**

## МУНДАРИЖА:

1. Кириш	2-3
2. Жамиятнинг олий вазифаси (Миссия)	4-5
3. Жамиятнинг ўтган 5 йиллик фаолияти тахлили	6-18
4. Стратегик ривожланишни мақсад ва вазифалари.	19-34
5. Жамият фаолиятини стратегик тахлили (SWOT)	35-38
6. Жамият фаолиятни стратегик ривожлантиришда таваккалчилик ва уни тахлили	39-40
7. Жамиятнинг стратегик ривожлантиришни муқобил йуллари	41
8. Стратегияни амалга оширишдан кутилган натижалар	42
9. Ривожлантириш стратегияси амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш	43
10 Лойихани тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи таркиби	44

## 1. КИРИШ:

Жамиятнинг тўлиқ ва қисқа номи: «URGANCH YOG`-MOY» акциядорлик жамияти, ёки «URGANCH YOG`-MOY» А.Ж.

Жамиятнинг юридик мақоми: акциядорлик жамияти.

Корхона манзили: «URGANCH YOG`-MOY» А.Ж. Хоразм вилояти Урганч шаҳри Досов кўчаси 2-уйда жойлашган.

Телефон: (8 362) 227-11-32

Факс: (8 362) 224-57-57

E-mail: Urganch Yog@mail.ru

Жамият: «Узпахтаёғ» акциядорлик жамияти таркибига киради.

«Узпахтаёғ» АЖнинг манзили: Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Ш. Руставили кўчаси, 8 уй.

Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтган вақти: «URGANCH YOG`-MOY» АЖ «5» декабр 1994 йилда Хоразм вилояти Адлия бошқармаси № 98- сонли реестр тартиб рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Устав жамғармаси миқдори: 11285203590 (ўн бир миллиард икки юз саксон беш миллион икки юз уч минг беш юз тўқсон ) сўм.

Акциянинг номинал қиймати: 365 сўм.

Акциялар миқдори: 30918366 дона.

Жамиятнинг устав жамғармаси улушлар бўйича тақсимланиши:

1. Ўз. Республикаси «Ўзпахта ёғ» акционерлик жамияти	60,31 %
2. Швейцария «FLOIL Ltd» компанияси	26,33 %
3. Меҳнат жамоаси	3,86 %
4. Бошқа жисмоний ва юридик шахслар	9,5 %

«URGANCH YOG`-MOY» А.Ж. нинг ҳисоб рақами Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият «Миллий банк» нинг Урганч бўлимида очилган

В/Х/Р: 2020 8840 4004 0336 8003

МФО: 00547

ИНН: 201004408

ОКОНХ: 18121

«URGANCH YOG`-MOY» А.Ж. бош директори вазифасини бажарувчи:  
Атаев Хурмат Азадович 1966 йил 19 июлда Хива шаҳрида туғилган.

Жамият ҳисобчиси: Тўраев Тўрабой Атамуратович 1964 йил 28 июлда Шовот туманида туғилган.

Корхонанинг мол-мулклари Устав фондига тўланган бадаллардан, корхона хўжалик фаолиятини юритиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан, олинган даромадлардан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги йўл қўядиган асосларга мувофиқ бўлинган бошқа мол-мулклардан ташкил топган. Корхона ўзининг хўжалик фаолияти натижасида оладиган фойда амалдаги қонунчиликка биноан солиқлар тўлангандан кейин корхона тасарруфида қолади ва ундан амалдаги қонунларга, ушбу Уставга мувофиқ корхонанинг фондларини вужудга келтиришда ва акциядорларга дивидентлар тулашда фойдаланилади.

## 2. Жамиятнинг олий вазифаси (Миссия).

«URGANCH YOG`-MOY» акциядорлик жамияти бугунги кунда халқ хўжалиги учун зарур бўлган рафинацияланган ўсимлик мойи, шрот, шелуха, ҳамда хўжалик совуни, техник ва озуқавий саломас, олеин-пальметин ёғ кислоталари қоришмаси, техник ёғ кислоталари, глицерин, қандолатчилик маҳсулотлари, чорвачилик, паррандачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Жамият ушбу соҳада муайян тажрибага эга бўлган ҳолда ўз фаолиятини узоқ муддатга ривожлантириш стратегияси мақсадларини белгилаб ишлаб чиқарилган маҳсулотларни чуқур қайта ишлашни амалга ошириш натижасида биринчи навбатда республика аҳолисини истъеъмол мойи, хўжалик совуни, чорва моллари учун ем маҳсулотлари билан таъминлаш. Қолаверса ўзининг саноат маҳсулотларини қайта ишлаш эҳтиёжи учун ҳамда ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати корхоналарга хом-ашё ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўяди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилашни, ишлаб чиқаришда йўқотишларни камайтириб ускуналарни узлуксиз ишлашини таъминлаш орқали корxonанинг соф фойда олишини ошириб бориш ва дивидент миқдорини купайтиришни мақсад қилиб қўяди.

Жамият ҳозирда самарали фаолият кўрсатаётган ҳамда барқарор ривожланаётган хўжалик юритувчи субъектлардан биридир.

Жамиятда 2006 йилда Республикадаги ёғ-мой корхоналари ичида биринчи бўлиб «O'z DSt ISO 9001:2000 Сифат менеджменти» тизими тадбиқ қилинди. Бу тизим жамиятда сифатли, рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ошишига олиб келди. Жамият ҳозирда «O'z DSt ISO 9001:2009 Сифат менеджменти» сертификти бўйича фаолият олиб бормоқда. Шунингдек республикадаги ёғ-мой корхоналари ичида биринчилардан бўлиб «O'z DSt ISO 22000:2005 озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлиги менежменти» тизими фаолияти сертификати билан тақдирланди.

"Urganch yog'-moy" А.Ж.и ўзининг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши билан республикада озиқ-овқат саноати корхоналари ўртасида биринчилар қаторидан ўрин олган. Бунинг исботи сифатида жамият 2003 йилда Париж шаҳрида ўтказилган 20-чи WQC Париж-2003 Халқаро Анжуманида «Сифат юлдузи» мукофоти билан тақдирланди.

“Urganch yog'-moy” А.Ж. 2007 йилда «Tashabbus - 2007» Республика кўрик конкурсида «Корпоратив Бошқарув тизимини муваффақиятли тадбиқ қилган ва энг яхши хўжалик юритувчи жамият» номинацияси бўйича II-ўринни эгаллади.

2012 йил 25-26 март кунлари Берлин шаҳрида технология ва инновациялар бўйича ўтказилган “OtherWays” Халқаро Ассоциациянинг «Янги Эра» мукофоти билан тақдирланди.

Жамият ўз фаолиятини юргизиш баробарида 200 дан зиёд турли жамият, ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорлик олиб боради. Шунингдек, 10 дан зиёд чет эл корхоналари билан ҳамкорликда иш юритади. У ўзига беркитилган мажбуриятларни беками кўст бажариши билан ҳамкорлар ўртасида нуфузли обрўга эга.

«URGANCH YOG`-MOY» акциядорлик жамияти Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг молиявий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, юксалиб бормоқда. Бунинг баробарида ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириб, янги иш ўринлари ташкил қилиб келмоқда.

### **3. Жамиятнинг ўтган 5 йиллик фаолияти тахлили.**

Жамият узининг пухта тузилган бизнес режаси асосида иш олиб бориб кейинги 5 йиллик фаолияти давомида молиявий ва иқтисодий жихатдан юқори суратлар билан ўсишга эришиб келмоқда. Махсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган махсулотларнинг сифат кўрсаткичлари, инвестициялар киритиш, экспорт, молиявий барқорорлиги бўйича турдош корхоналар ўртасида етакчи жамиятлардан бирига айланди. Бу 2011-2015 йиллар молиявий кўрсаткичларида ўз аксини топган.

#### ***Асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари:***

Жамиятда қайта ишланган хом-ашё миқдори йиллар бўйича таққосланганда унчалик фарқ қилмаган бўлсада махсулотлар сифати даражасининг ортиши, ишлаб чиқарилган махсулотлар чиқиш миқдорининг кўпайиши ҳисобига ва иккиламчи, учламчи қайта ишланадиган махсулотларни кўпайиши ҳисобига товар махсулоти ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ортиб борди. Жумладан 2011 йилда дезодорацияланган мой ишлаб чиқариш 7288 тонна бўлган бўлса 2015 йилга келиб 10484 тонна, олий навли мой 6060 тонна бўлган бўлса 2015 йилда 7872 тоннани ташкил қилди. Хужалик совуни ишлаб чиқариш 4997 тоннадан 8068,2 тоннага кўпайди. Шунингдек, саломас ишлаб чиқариш 3487 тоннадан 5114 тоннага, олеин-пальметин қоришмаси 2126 тоннадан 3175 тоннага кўпайди.

#### ***Молиявий кўрсаткичлар.***

Ишлаб чиқарилган махсулотларни сотишни оқилона омалга оширилиши ҳисобига, махсулотларни таннархини арзонлатиш бўйича қурилган чоратадбирлар натижасида махсулот сотишдан тушган соф тушум миқдори йилдан йилга ушиб борди. Жумладан 2011 йилда 50391 млн сўмни ташкил қилган бўлса 2015 йилга келиб 98205 млн сўмни ташкил қилди. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 482 млн сўмдан 717 млн сўмга ошди. Молиявий даромадлар эса 93 млн сўмдан 631 млн сўмга ошди. Молиявий қаражатларда камайишга эришилди.

Жамиятнинг соф фойдаси 2011 йилда 1428 млн сўмни ташкил қилган бўлса ўтган йиллар давомида йилдан йилга ошиб борди ва 2015 йилда бу кўрсаткич 9038 млн сўмни тақил қилиб 2011 йилга нисбатан 6,3 баробарга ошди.

#### ***Иқтисодий кўрсаткичлар.***

Жамиятда ишлаб чиқарилган махсулотларни таннархини камайтиришга ҳам қатта эътибор қаратилиб келинмоқда. 2011 йилда бир сўмлик махсулот ишлаб чиқариш учун 0,75 сўм сарфланган бўлса 2015 йилга келиб 0,74 сўмни ташкил қилди. Сотилган махсулотларининг рентабеллик даражаси 2011 йилда 4,1 % ни ташкил қилган бўлса 2015 йилда 14%ни ташкил қилди.

## *Инвестиция.*

Жамиятда 2011-2015 йилларда инвестиция дастурларини бажариш бўйича янги ишлаб чиқаришлар, технологик ускуналар янги замонавий, унумдор, кам энергия талаб қиладиган ускуна ва жихозлар билан қайта жихозланиш юзасидан модернизация ва реконструкция ишларини амалга ошириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширди.

Жумладан 2011 йилда гидрогенизация цехини қурилиш монтаж ишлари нихоясига етказилиб феврал ойида ишга туширилди. Қуюлтирилган сут ишлаб чиқариш линияси, 1,5 литрлик ПЭТ идишларга мой куйиш линияси, 70 дона «Армстронг» конденсат қайтаргичлар ва бошка ускуналар сотиб олинди.

2012 йилда ҳаммаси бўлиб инвестиция дастурини бажаришга ўз маблағларимиз хисобидан 2,688 млрд. сўм харажат қилинди. Шундан, қурилиш-монтаж ишларига 1,635 млрд. сўм, ускуна ва механизмлар, инвентарлар харид қилишга 1,053 млрд. сўм йўналтирилди.

Асосий ишлаб чиқариш цехларида модернизация қилиш ва техник қайта жихозлаш ишлари ҳам олиб борилди, технологик жараёнларда ишлатиладиган иссиқлик энергиясини иқтисод қилиш мақсадида маънавий, физик жихатдан эскирган конденсат қайтаргичлар ўрнига замонавий хорижда ишлаб чиқарилган «Армстронг» (Бельгия) 115 дона конденсат қайтаргичлар ўрнатилиб ишга туширилди.

Экстракция цехида 2 та  $F=150\text{ м}^2$  конденсаторлари капитал таъмирланди, 3 дона янги SK-8 (Польша) бензонасослар, шунингдек соапстокни қайта ишлаш цехига ҳам 1 дона махсус герметик насос (Хиндистон) ўрнатилди.

2012 йил давомида жамиятда озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида умумий қиймати 87,5 минг АКШ долларига тенг бўлган «Коровка» сутли ирис конфети ишлаб чиқарадиган технологик тизим Хитой Халк Республикасидан олиб келиб ўрнатилди. Шунингдек, ахоли истеъмоли учун ишлаб чиқариладиган мойларни 100 фоиз қадокланган холда ишлаб чиқариш учун суткасига 50 тонна қадоклаш қувватига эга бўлган автоматик линия ҳам ХХРдан контракт асосида келтириб ўрнатилди.

2013 йилнинг 12 ойи давомида инвестиция дастурини бажаришга ҳаммаси бўлиб ўз маблағларимиз хисобидан 3,3 млрд. сўм харажат қилинди. Ана шу маблағдан 1581,3 млн. сўм қурилиш-монтаж ишларига, 1,7 млрд. сўм технологик ускуна, жихозлар, бутловчи қисмлар ва материаллар харид қилишга, 426,7 млн. сўм янги қурилишларга сарфланди.

2013 йилда модернизациялаш ва техник қайта жихозлаш тадбирларини бажарилиши таъминланди, ускуналарда капитал таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш учун 65,8 млн. сўм харажат қилинди.

Бу маблағ асосан янги замонавий кам энергия талаб этадиган ускуналар:

- электрон тарозилар учун «Fesko» (Италия) компрессори;
- мой қадоклаш цехидаги пластик бутилкалар тайёрлаш ускуналари учун янги «Airpol-37» (Польша) компрессори;
- корхона ишлаб чиқариш цехларидаги ёритиш тизимига янги кам энергия талаб қиладиган тежамкор замонавий ёритгичлар харид қилишга йўналтирилди.

2014 йилда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар учун жами 4 млрд. 400 млн. сўм сарфланди. Шундан 925 млн. сўм қурилиш монтаж ишлари учун, машина, ускуна ва жихозлар сотиб олиш учун эса 3 млрд. 475 млн. сўм сарфланди. Жумладан, 4 дона SKA-8 маркали насослар, 1 дона ВК-13 насоси, компрессор винтовкаси, Ш-1000000 маркали шнек пресси сотиб олинди.

Шунингдек жаҳон банки кредити ҳисобидан “Энергия тежамкор янги буғ қозонларини ўрнатиш” лойиҳаси доирасида 2 та қуввати 15 тн/соат бўлган буғ қозонлари сотиб олиб ўрнатилди. Лойиҳа амалга оширилиши давомида иктисодий ночор холга келган “Урганч иссиқлик тармоқлари” маъсулияти чекланган жамияти жамиятимиз тасарруфига мавжуд 68 та ишчи-ходимни сақлаб қолинган холда қўшиб олинди.

2015 йилда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар учун жами 11 млрд. 923 млн. сўм сарфланди. Шундан 6 млрд. 232 млн. сўмлик қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди. Жумладан: 2015 йил натижасига кўра глицерин ва ёғ кислоталари ишлаб чиқариш цехига жами 10 млрд. 445 млн. сўм маблағ сарфланди. 20000 бошга мўлжалланган паррандачилик цехи қурилиши бўйича жорий йил охиригача 916 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.


### ***Меҳнат ресурслари***

Жамиятда ҳар доим асосий эътибор меҳнат ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга қаратилади. Жамиятнинг ижроия органи кадрлар ва ишчиларга таяниб ишлайдилар ва имкон қадар ишчи-ходимларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга ҳаракат қилади. 2011-2015 йилларда ҳам ишчи хизматчилар иш ҳақлари белгиланган тартибда ошириб борилди. Уларни ижтимоий химоя қилиш бўйича жамоа шартномасида белгиланган барча вазифалар ўз вақтида бажарилиб келинмоқда.


**«Урганч ёғ-мой» А.Ж. ни 2011-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий  
ривожлантириш бўйича асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й
<b>I. АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ</b> (тонна)					
<b>1) Жамиятда қайта ишланган хом-ашё</b>	<b>108767</b>	<b>101042</b>	<b>115331</b>	<b>107639</b>	<b>107370,7</b>
а) техник пахта чигити	106068,6	98119,4	114235	106971,4	107370,7
б) ноананавий мойли уруғлар	2698,1	2923,0	1096,0	667,37	0
<b>2) Жами рафинацияланмаган мой ишлаб чиқариш</b>	<b>20696,6</b>	<b>19072,7</b>	<b>21993,6</b>	<b>20571</b>	<b>20410,7</b>
а) рафинацияланган пахта мойи	20140,4	18469,87	21598,9	20336,5	20410,7
б) ноананавий мойли уруғлардан олинган рафинацияланмаган мой	556,2	602,86	394,65	234,5	0
<b>2) Жами рафинацияланган мой ишлаб чиқариш</b>	<b>18389,7</b>	<b>16967,9</b>	<b>19218,7</b>	<b>18311,5</b>	<b>18171,8</b>
а) рафинацияланган пахта мойи	17928,6	16430,54	19203,7	18102,2	18171,8
б) ноананавий мойли уруғлардан олинган рафинацияланган мой	461,1	537,4	15	209,3	0
<b>3) Жами хидсизлантирилган мой ишлаб чиқариш</b>	<b>7287,8</b>	<b>7926,7</b>	<b>9678,3</b>	<b>7955</b>	<b>10483,5</b>
а) хидсизлантирилган пахта ёғи	7287,83	7711,9	9674,3	7955	10483,5
б) ноананавий мойли уруғлардан олинган раф-маган мой		214,8	4,0		
<b>4) Олий навли мой</b>	<b>6060,0</b>	<b>4688,5</b>	<b>7042,6</b>	<b>8476,3</b>	<b>7871,6</b>
<b>4) Қадокланадиган мой ишлаб чиқариш</b>	<b>8123,6</b>	<b>8415,1</b>	<b>9702,11</b>	<b>8056,6</b>	<b>10388,4</b>
<b>5) Жами шрот</b>	<b>53348,9</b>	<b>49841,1</b>	<b>55589,0</b>	<b>52096</b>	<b>51187</b>
а) пахта шроти	51397	47727	55037	51755,4	51187
б) ноананавий мойли уруғлардан олинган шрот	1952	2114	552	341	
<b>6) Шелуха</b>	<b>29240</b>	<b>27018</b>	<b>31935</b>	<b>29614</b>	<b>30545</b>
<b>7) Хўжалик совуни ишлаб чиқариш</b>	<b>4997</b>	<b>5831,15</b>	<b>5015</b>	<b>8198</b>	<b>8068,2</b>
шундан экспорт учун	900,0	944,7	995,6	1065	979,7
<b>8) Саломас ишлаб чиқариш</b>	<b>3487</b>	<b>5383</b>	<b>5166</b>	<b>5293</b>	<b>5114</b>
<b>9) Олеин - пальметин қоришмаси</b>	<b>2125,8</b>	<b>2086,6</b>	<b>2252</b>	<b>3034</b>	<b>3175</b>
<b>II. МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР:</b> (млн. сўм)					
<b>1) Махсулот сотишдан олинган тушум</b>	<b>50391</b>	<b>60562</b>	<b>71578</b>	<b>80215</b>	<b>98205</b>
2) Сотилган махсулот таннари	35071	38994	46854	54713	64459
3) Махсулот сотишдан олинган ялпи даромад	15310	21568	24724	25502	33746
4) Давр харажатлари	11610	15046	18435	19053	22326
5) Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	482	540	379	406	717
<b>5) Асосий фаолиятнинг фойдаси</b>	<b>4182</b>	<b>7062</b>	<b>6669</b>	<b>6854</b>	<b>12137</b>
7) Молиявий фаолият бўйича жами даромадлар	93	355	296	639	631
7) Молиявий фаолият бўйича жами харажатлар	2022	1133	1345	1753	1950
<b>8) Фойда солиғи тўлагунгача фойда</b>	<b>2253</b>	<b>6284</b>	<b>5620</b>	<b>5741</b>	<b>10819</b>
9) Фойда солиғи	701	951	861	691	996
10) Фойдадан олинган бошқа солиқ ва йиғимлар	124	425	377	393	784
<b>Хисобот даврининг соф фойдаси</b>	<b>1428</b>	<b>4908</b>	<b>4390</b>	<b>4656</b>	<b>9038</b>
<b>III. ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР:</b>					
1) 1 сўмлик махсулот и/ч учун кетган харажат, сўм	0,75	0,73	0,72	0,73	0,74
3) Сотилган махсулотнинг рентабеллик даражаси, %	4,1	12,6	9,4	8,5	14,0
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯ:</b> (млн сўм)					
Жами инвестиция учун	1422,3	2688	3825	4400	11923
шундан: Қурилиш - монтаж учун	544,8	1635	1813	925	6232
Асбоб ускуналар учун	877,5	1053	2012	3475	5692
<b>V. ЭКСПОРТ:</b>					
Хўжалик совуни, тонна	900	944,6	996	1065	980
Минг АҚШ доллари	746,4	778,6	788,4	845,9	733,5


"Урганч ёг-мой" АЖДа кайта ишланган хом-ашё




**"Урганч ёг-мой" АЖ да 2011-2015 йилларда рафинацияланган мой ишлаб чиқариш курсаткичи**




# Дезодорацияланган мой ишлаб чикариш курсаткичи




ПЭТ идишга истерьмог мой кадокташ




**Хужалик совуни ишлаб чиқариш курсаткичи**




# Саломас ишлаб чиқариш курсаткичи




Инвестиция фаолити буйича (млн сум)



“Урганч ёг-мой” АЖ нинг үз маблағлари тўғрисида (минг сум)



## Молпявий курсаткичлар



#### **4. Стратегик ривожлантиришни мақсад ва вазифалари.**

Жамиятни ривожлантиришнинг стратегик мақсад ва вазифаларини белгилаш жамият олий вазифаларини бажариш учун ишлаб чиқилади ҳамда компаниянинг раҳбарияти амал қиладиган олий вазифаси қадрияти ва мақсадлари асосида белгиланади. Жамиятнинг муайян муддатга иктисодий ривожлантириш мақсадларини белгилаш бўйича 2016-2020 йилларда стратегик ривожлантириш курсаткичлари ишлаб чиқилди.

##### ***Жамиятнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш стратегияси:***

Жамият томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини солиштира нархларда 2016 йилда 90,5 млрд сўм, 2017 йилда 90,6 млрд сўм, 2018-2020 йилларда эса 91,1 млрд сўмга етказиш бўйича истиқбол курсаткичлари белгиланди. Бунда асосан қайта ишланадиган чигит хом-ашёсини кўпайтирмасдан жамиятнинг ички имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш асосий мақсад қилиб кўйилди. Жумладан турдош корхоналардан техник мой, саопсток олиб келиб чуқур қайта ишлаш ҳисобига саломасдан техник ёғ кислоталари ва глицерин ҳамда олеин-пальметин ёғ кислоталари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш кузда тутилди.

Жамиятда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 2016 йилда 51,1 млрд сўмни ташкил қилиши кутилаётган бўлса 2020 йилгача ишлаб чиқаришни бир маромда сақлаш ва 51,3 млрд сўмга етказиш истиқболи белгиланди. Бу кўрсаткичларни бажаришда ҳам жамиятни ички имкониятларидан кенг фойдаланиш кузда тутилди. Шунингдек маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳсулот таннари улишини камайтириш ва рентабеллик даражасини оширишга ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишга катта эътибор қаратилди.

##### ***Жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва қувватлардан фойдаланиш стратегияси:***

Жамиятда чигит хом-ашёсини етказиб бериш кўпаймаслигини инобатга олиб асосан қайта ишлаш натижасида чиқадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва уларнинг қувватларидан фойдаланиш даражасини оширишга эътибор қаратилди. Бу асосан 2019 йилга бориб гидрогенизация цехини қувватини ошириш ҳисобига турдош корхоналардан олиб келинадиган хом-ашёлар миқдорини ошириш ва глицерин цехи ва олеин-пальметин ишлаб чиқариш цехи қувватларидан унумли фойдаланишга қаратилган.

##### ***Жамиятнинг активлари:***

Жамиятнинг активлар миқдори ўсиши бўйича ҳам прогноз қилиниб унда беш йил давомида корхонанинг ўз маблағлари миқдорини 45%га кўпайтириш,

асосий воситалар миқдорини 20%га оширишга ва номоддий активлар миқдорини эса 12%га ўстириш режалаштирилди.

Жамиятда беш йил давомида ишлаб чиқариладиган махсулот ва уларнинг таннархи бўйича прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб махсулот таннархининг оширмаслик хом-ашё ва материаллар сотиб олишда харажатларни кўпайтирмасликга эътибор қаратилди.

Жамиятнинг молиявий натижалари прогнозида асосий эътибор соф фойда олиш ва рентабеллик даражасини оширишга қаратилди. Шунингдек асосий воситаларни модернизация қилиш, махсулот диверсификацияси кўрсаткичларини баҳолаш бўйича ҳам прогноз қилинди.

### ***2016-2020 йилларда инвестиция фаолияти истиқбол кўрсаткичлари.***

Жамиятда инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича ҳам бир қанча тадбирларни амалга ошириш режалаштирилди. Жумладан 2017 йилда истеъмол мойини 1-3 лиртлик ПЭТ идишларга кадоклаш автомат линияси ўрнатиш режалаштирилди, шунингдек 2018 йилда гидрогенизация цехи ишлаб чиқариш кувватини ошириш бўйича қўшимча усуналар сотиб олиб ўрнатиш ва қурилиш монтаж ишларини бажариш ҳамда хар йили ускуна жихозларни ўз вақтида сифатли капитал таъмирлашдан ўтказиш кўзда тутилди. Шунингдек ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш мақсадида 2016 йилда парранда гўшти ишлаб чиқариш йўналиши бўйича 20000 бошга мўлжалланган товқухона қуриб ишга тушириш режалаштирилди.

### ***2016-2020 йилларда экспорт ва импорт фаолияти истиқбол кўрсаткичлари.***

Жамиятда махсулот экспорти бўйича асосан хўжалик совуни экспорт қилиш режалаштирилди.

Импорт структураси бўйича янги ишлаб чиқариш ва ускуналарни модернизация қилишга ҳамда бутловчи материаллар сотиб олиш кўзда тутилди.

**"Урганч ёг-мой" АЖнинг 2016-2020 йилларда sanoat mahsulotlari ishlab chikarish hajmi prognozi**

№	Ишлаб чиқариладиган mahsulot turi	Улчов бирлиги	2016 й. (кутилаётган)			2017 й. (prognoz)			2018 й. (prognoz)			2019 й. (prognoz)			2020 й. (prognoz)		
			Махсулот hajmi, млн сум	Махсулот hajmi, натурادا	Усиш surati %	Махсулот hajmi, млн сум	Махсулот hajmi, натурادا	Усиш surati %	Махсулот hajmi, млн сум	Махсулот hajmi, натурادا	Усиш surati %	Махсулот hajmi, млн сум	Махсулот hajmi, натурادا	Усиш surati %	Махсулот hajmi, млн сум	Махсулот hajmi, натурادا	Усиш surati %
1	A	Б	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Жами ишлаб чиқариладиган mahsulot hajmi	млн.сум.	90465	x	103,3	90555	x	100,1	91100	x	100,6	91100	x	100	91100	x	100
1.1.	Рафинацияланган мой	тн		18049			18100			18100			18100			18100	
1.2.	Хужалик совуни	тн		7800			7500			7700			7700			7700	
1.3.	Саломас	тн		5400			5500			5500			6000			6000	
1.4	Техник саломас ёг кислоталари	тн		3164			3550			3640			3640			3640	
1.5	Глицерин	тн		273			304			312			312			312	

"Ургач ёг-мой" АЖ нинг 2016-2022 йилларда халк истеъмоли моллари ишлаб чиқариш хажимлари прогнози (ККС сиз)

№	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури	Улчов билиги	2016 йил (кутилаётган)				2017 йил (прогноз)				2018 йил (прогноз)				2019 йил (прогноз)				2020 йил (прогноз)				
			Йиллик ургача куввати	Маҳсулот хажми		усиш сурати %	Йиллик ургача куввати	Маҳсулот хажми		усиш сурати %	Йиллик ургача куввати	Маҳсулот хажми		усиш сурати %	Йиллик ургача куввати	Маҳсулот хажми		усиш сурати %	Йиллик ургача куввати	Маҳсулот хажми		усиш сурати %	
			натура	нархи млн сум		натура	нархи млн сум		натура	нархи млн сум		натура	нархи млн сум		натура	нархи млн сум		натура	нархи млн сум		натура	нархи млн сум	
	A	1	3	4	5	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17							
	Халк истеъмоли моллари ишлаб чиқариш			51107	102,8		51211	100,2		51250	100,08		51250	100		51250	100		51250	100		51250	100
1.1.	Истеъмол маҳсулотлари	млн.су М		29438			30654			29859			29859			29859			29859			29859	
1.1.1.	Рафинацияланган мой	тн	18049			18100			31792	18100			31792	18100		31792	18100		31792	18100		31792	18100
1.2.	Но истеъмол маҳсулотлар	млн.су М		21669			20557			21391			21391			21391			21391			21391	
1.2.1.	Хужалик совуни	тн	7800			7400			13440	7400			13440	7700		13440	7700		13440	7700		13440	7700

"Урганч ёг-мой" АЖ нинг 2016-2020 йилларда асосий ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш прогнози

№	Махсулотлар тури	Улчов бирлиги	2016 й. (кутилаётган)				2017 й. (прогноз)				2018 й. (прогноз)				2019 й. (прогноз)				2020 й. (прогноз)				
			Йиллик уртача ишлаб чиқариш кувват	Махсулот хажми	Фойдалан иш даражаси %	Йиллик уртача ишлаб чиқариш кувват	Махсулот хажми	Фойдалан иш даражаси %	Йиллик уртача ишлаб чиқариш кувват	Махсулот хажми	Фойдалан иш даражаси %	Йиллик уртача ишлаб чиқариш кувват	Махсулот хажми	Фойдалан иш даражаси %	Йиллик уртача ишлаб чиқариш кувват	Махсулот хажми	Фойдалан иш даражаси %	Йиллик уртача ишлаб чиқариш кувват	Махсулот хажми	Фойдалан иш даражаси %	Йиллик уртача ишлаб чиқариш кувват	Махсулот хажми	Фойдалан иш даражаси %
1	А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15						
1.	Рафинацияланган мой ишлаб чиқариш	тн	31792	18049	56,77	31792	18100	56,93	31792	18100	56,93	31792	18100	56,93	31792	18100	56,93						
2.	Хужалик совуни ишлаб чиқариш	тн	13440	7800	58,04	13440	7400	55,06	13440	7700	57,29	13440	7700	57,29	13440	7700	57,29						
3.	Саломас	тн	9360	5400	57,7	9360	5500	58,76	9360	5500	58,76	9360	5500	58,76	9360	5500	58,76						
4	Глицерин	тн	500	273	54,6	500	304	60,8	500	312	62,4	500	312	62,4	500	312	62,4						
5	Техник саломас техник ёг кислотаси ишлаб чиқариш	тн	5770	3164	54,8	5770	3550	61,53	5770	3640	63,08	5770	3640	63,08	5770	3640	63,08						

"Урганч ёг-мой" АЖ нинг 2016-2020 йилларда асосий ишлаб чиқариш кувватларини узгариши пронози

№	Махсулот тури	улчов бирлиги	2016 й.(кутилаётган)			2017 й.(прогноз)			2018 й.(прогноз)			2019 й.(прогноз)			2020 й.(прогноз)		
			Йил бошига куввати	Йил охирига куввати	Узгариш, +	Йил бошига куввати	Йил охирига куввати	Узгариш, +	Йил бошига куввати	Йил охирига куввати	Узгариш, +	Йил бошига куввати	Йил охирига куввати	Узгариш, +	Йил бошига куввати	Йил охирига куввати	Узгариш, +
1	А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1.	Рафинацияланган мой ишлаб чиқариш	тн	31792	31792		31792	31792		31792	31792		31792	31792		31792	31792	
2.	Хужалик совуни ишлаб чиқариш	тн	13440	13440		13440	13440		13440	13440		13440	13440		13440	13440	
3.	Саломас	тн	9360	9360		9360	9360		9360	9360		9360	18720	9360	18720	18720	
4	Глицерин	тн	500	500		500	500		500	500		500	500		500	500	
5	Техник саломас техник ёг кислотаси ишлаб чиқариш	тн	5770	5770		5770	5770		5770	5770		5770	5770		5770	5770	



"Урганч ёг-мой" АЖ нинг 2016-2020 йиллардаги активлари прогнози

(йил бошига млн.сум )

№	Курсаткичлар	2016 й. (кутилайтган)	2017 й. (прогноз)	2018 й. (прогноз)	2019 й. (прогноз)	2020 й. (прогноз)
1	A	5	6	7	8	9
1	<b>Корхонанинг уз маблағлари</b>	<b>31464</b>	<b>35079</b>	<b>38579</b>	<b>42079</b>	<b>45579</b>
2	Карз мажбуриятлари	12279	9200	10517	12008	12314
2.1.	кредиторлик қарзлари	8567	8618	9393	10801	10794
	шу жумладан муддати утган					
2.2.	дебиторлик қарзлар	5096	4356	4968	5173	5198
	шу жумладан муддати утган					
3.	<b>Асосий воситалар жами</b>	<b>29146</b>	<b>29826</b>	<b>31914</b>	<b>33510</b>	<b>35135</b>
3.1.	<b>Материаллар маблағлари</b>	10976	9837	10522	9277	10366
3.1.1.	пул маблағлари	5797	3160	4246	4098	4450
3.1.1.1	шу жумладан чет эл валютасида, минг. \$	1124	1374	495	845	1150
3.1.1.2	чет эл валютасига қушимча эҳтиёж, минг. \$					
3.1.2.	Қимматли қозғалар	277,5	102	102	102	102
3.1.3.	Асосий воситалар	29146	29826	31914	33510	35135
3.1.4.	Товар материаллар захираси	10976	9837	10522	9277	10366
3.2.	<b>Но моддий маблағлар</b>	988	1143	1086	1032	1103

**"Урганч ёг-мой АЖ" нинг 2016-2020 йиллар ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижалари прогнози**

№	Курсаткичлар	2016 й. (кутилаётган)	2017 й. (прогноз)	2018 й. (прогноз)	2019 й. (прогноз)	2020 й. (прогноз)
1	А	4	5			5
1	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизмат ва ишлар) (ККС сиз ва акцизсиз) млн сум	90465	90555	91100	91100	91100
2	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннарни (ишлар ва хизматлар), млн.сум	66186	67713	68188	68097	68096,8
3	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотда таннархнинг улиши (ишлар ва хизматлар), в%	73,2	74,8	74,8	74,7	74,7
4	Таннарх салмоғини узгариш даражаси %да	x	1,6	0,1	-0,1	0,0
5	Маҳсулот сотишдан соф фойда, млн.сум	8815	9215	9312	9350	9610
6	Рентабеллик даражаси (1 сум харажатга нисбатан фойда)	13,3	13,6	13,7	13,7	14,1
7	Рентабеллик даражасини узгариши, % да	x	0,3	0,0	0,1	0,4

**"Урганч ёг-мой" АЖ нинг 2016-2020 йилларда модернизациялаш даражасини баҳолаш прогноз курсаткичи**

№	Курсаткичлар	Улчов бирлиги	2016 й. (кутилаётган)	2017 й. (прогноз)	2018 й. (прогноз)	2019 й. (прогноз)	2020 й. (прогноз)
1	А	Б	4	5	6	7	8
1	Асосий ишлаб чиқариш фондларининг бошлангич баланс киймати (АИЧФ)	млн сум.	52881	63440	70750	75287	78001
2	АИЧФ эскириш суммаси	млн сум.	23796	23997	24262	24612	24997
3	<b>(АИЧФ) нинг эскириш коэффициенти</b>		45,00%	37,83%	34,29%	32,69%	32,05%
4	АИЧФ йил бошига колдик суммаси	млн сум.	29146	29085	39443	46488	50675
5	АИЧФ йил охирига колдик суммаси	млн сум.	29085	39443	46488	50675	53004
6	Янгидан фойдаланишга тушириладиган АИЧФ киймати	млн сум.	6470	5240	7310		
7	<b>АИЧФ нинг янгиланиш коэффициенти</b>		22,2%	13,3%	15,7%	0,0%	0,0%
8	<b>Ишлаб чиқарилган вакти 3-йилдан ошмаган ускуналар киймати</b>	млн сум.	25128	24730	19020	12550	7310
9	АИЧФ нинг уртача йиллик киймати	млн сум.	29116	34264	42966	48582	51840
10	Жорий йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот киймати амалдаги нархда жами	млн сум.	90465	90555	91100	91100	91100
11	Жорий йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот киймати солиштирма нархда жами	млн сум.	90465	90555	91100	91100	91101
12	<b>Кoeffициент фондоотдача</b>		3,11	2,64	2,12	1,88	1,76
13	<b>Ишлаб чиқарилган вакти 3-йилдан ошмаган ускуналар улushi</b>	%	86,40%	62,70%	40,91%	24,77%	13,79%
14	Хисобот даврида уртача ходимлар сони	чел.	1068	1068	1068	1068	1068
15	<b>Меҳнат унумдорлиги</b>	минг сум./киши	84705	84789	85300	85300	85301

**"Урганч ёг-мой" АЖ ниг 2016-2020 йилларда махсулот диверсификацияси курсаткичлари баҳолаш прогнози**

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2016 й. (кутилаётган)	2017 й. (прогноз)	2018 й. (прогноз)	2019 й. (прогноз)	2020 й. (прогноз)
1	А	Б	4				4
1	Жами ишлаб чиқарилаётган махсулотлар микдори (наменклатура)	дона	14	14	14	14	14
2	Янгидан чиқариладиган махсулотлар микдори	дона	2	0	0	0	0
3	<b>Жами ишлаб чиқариладиган махсулотларда янги махсулотлар улиши (стр.2/стр.1)*100))</b>	%	14	0	0	0	0
4	Янги тур махсулотлар суммаси	млн. сум	1279	0	0	0	0
5	Жами ишлаб чиқарилаётган махсулотлар суммаси (наменклатура)	млн. сум	90465	90555	91100	91100	91100
6	<b>Жами ишлаб чиқариладиган махсулотларда янги махсулотлар улиши (стр.4/стр.5)*100))</b>	%	1,4	0	0	0	0,0



"Урганч ёг-мой" АЖ ning асосий капиталга инвестиция технологик структураси

(млн.сум)

№	Харажатлар тури	2016 й. (кутилайтган)	2017 й. (прогноз)	2018 й. (прогноз)	2019 й. (прогноз)	2020 й. (прогноз)
1	A	4	5	6	7	8
1	Капитал куйилмалар жами хажми	6470	5240,4	7309,6	-	-
	Ш.ж.					
2	Асбоб - ускуналар, инвентарлар (урнатиш харажатларисиз)	3495	3835	5904	-	-
2.1.	Ш.ж импорт ускуналар	-	840	2209,2	-	-
3	Курилиш монтаж харажатлари	1170	-	700	-	-
4	Бошка харажатлар	1805	1405,4	705,6	-	-

"Урганч ёг-мой" АЖ нинг 2016-2020 йилларда қайта ишлаб чиқариш структурага капитал қуйилма прогнози

(млн.сум)

№	Ишлар тури	2016 й. (кутилаётган)	2017 й. (прогноз)	2018 й. (прогноз)	2019 й. (прогноз)	2020 й. (прогноз)
1	A	4	5	6	7	8
1	Жами капитал қуйилма хажми	6470	5240,4	7309,6	-	-
	Ш.ж					
2	Янги қурилиш	1170	-	700	-	-
3	Реконструкция, модернизация ва кенгайтириш	3087,4	3427,4	5496,4	-	-
4	Бошқа йуналишлар	2212,6	1813	1113,2	-	-

**"Урганч ёг-мой" АЖ да 2016-2020 йилларда ходимлар сони ва улардан фойдаланиш прогнози.**

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2016 й. (кутилаётган)	2017 й. (прогноз)	2018 й. (прогноз)	2019 й. (прогноз)	2020 й. (прогноз)
1.	-А	Б	1	2	3	4	5

Уртача йиллик ишлавчилар сони (уриндошларсиз)	киши	1068	1068	1068	1068	1068
Йил давомида бир кишининг ишлаган кунлари	кун	305	305	305	305	305
Йил давомида бир кишининг ишлаган соати	соат	1632	1632	1632	1632	1632
Иш кунларининг урача давомийлиги	соат	7	7	7	7	7
Умумий иш вакти фонди	киши соат	1743459	1743459	1743459	1743459	1743459
ш.ж иш вактидан ортикча ишланган вақт	соат	-	-	-	-	-

**"Урганч ёг-мой" АЖ нинг 2016-2020 йилларда экспорт ва импорт прогнози**

МИНГ АҚШ ДОЛЛАР

Номланиши	2016г. (кутилаётган)	ташки савдо прогнози			
		2017 й	2018 й	2019 й	2020 й
<b>Ташки савдо айланмаси</b>					
Экспорт	750	750	750	750	750
Импорт	1746,2	2095	4010	2120	2120
<b>Экспорт структураси</b>					
Хужалик совуни	750	750	750	750	750
<b>Импорт структураси</b>					
Машин ва ускуналар	95	400	2250	300	300
Хизмаглар	155				
<b>Бошқалар</b>	<b>1496,2</b>	<b>1695</b>	<b>1760</b>	<b>1820</b>	<b>1820</b>

## 5. Жамият фаолиятини стратегик тахлили (SWOT)

### Ташки мухит тахлили.

**Имкониятлар:** - «URGANCH YOG`-MOY» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасининг шимолий шарқий қисмидаги Хоразм вилояти маркази Урганч шаҳри Саноатчилар ҳудудида жойлашган. У Республикамининг марказидан 1000 км узоқликда, Урганч шаҳри марказидан 3 км, темир йўл тармоғидан 500 метр ва вилоят автомагистрал йўлининг ёнида жойлашган.

Жамиятга асосий хом-ашё туманларда жойлашган пахта тозалаш корхоналаридан ташиб келтирилади. Пахта тозалаш корхоналари билан жамият ўртасидаги масофа ўрта ҳисобда 30-35 км.ни ташкил қилади. Шунингдек, вилоят аҳолисига сотиладиган ўсимлик мойи, шрот, шелуха ва хўжалик совуни сотиб олувчи улгуржи корхоналар ҳам худди шу узоқликдаги масофада жойлашган. Вилоят ташқарисида сотиладиган маҳсулотларнинг асосий қисми темир йўл орқали амалга оширилади, бунинг учун жамият ҳудудида ўзининг темир йўл тармоқлари мавжуд. Жамият вилоятда мойли уруғликларни қайта ишлаш корхонаси ҳисобланади. Жамиятда сўнги йилларда ишлаб чиқариларилаётган янги тур маҳсулотлар турлари ҳам худудда ягона ҳисобланади.

**Хавфлар:** - жамиятда ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган асосий хом ашё техник пахта чигити ҳисобланиб у асосан пахта тозалаш жамиятлари етказиб бериладиган техник пахта чигити ва четдан валюта ҳисобига сотиб олинадиган ноананавий мойли уруғликлар ҳисобланади. Жамиятда асосий ишлаб чиқариш бошқа ташкилотларга боғлиқлиги ҳисобига қувватлардан етарли фойдаланаолмаслиги ва маҳсулотлар сифатини бузилиши натижасида шериклар, акциядорлар ва бошқа томонлар билан узаро алокани бузилишига олиб келади. Шунингдек бошқа ташки омиллар таъсирида ўз фаолиятини яхши юргиза олмасиги мумкин.

### Ички мухит тахлили.

**Кучли томонлари:** - жамият сифатли ўсимлик мойи маҳсулотлари, хўжалик совуни, техник ва озукавий саломас, техник саломас ёғ кислоталари ва глицерин ишлаб чиқариш бўйича Хоразм вилоятида ва олеин - пальметин ёғ кислоталари қоришмаси ишлаб чиқариш бўйича республикада ягона йирик корхона ҳисобланиб. ўзининг «URGANCH YOG`-MOY» брендига эга. Инвестициялар жалб қилиниб йилдан йилга янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Жамиятда юқори малакали ишчи - хизматчилар фаолият юритмоқда.

**Заиф томонлари:** - жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш хом-ашё манбаси асосан пахта тозалаш жамиятлари етказиб бериладиган техник пахта чигити ва четдан валюта ҳисобига сотиб олинадиган ноананавий мойли

уруғликлар хисобланади. Жамиятга ушбу хом ашё берилмаса жамиятнинг бошқа ишлаб чиқариш йўналишига ўтиши ўта қийин, бунинг натижасида ишлаб чиқариш фаолияти тўхтаб қолиш эҳтимоли юзага келади ва хоказолар...

## Бизнес ташкарисида

<b>Имкониятлар</b>	<b>Хавфлар</b>
<p>Жамиятни жойлашган манзили вилоят маркази саннатчиллар худудида жойлашган, алоқа, электр энергия, газ, сув таъминоти билан тўлик таъминланган, темир йўл жамият худудига кирган ва автомагистрал йўлининг ёнида жойлашган.</p>	<p>Кайта ишлашда сарфланадиган эл. энергия, газ ва сув бошқа таъминотчи корхоналардан сотиб олинади ушбу ресурсларнинг таъминотида узлишлар бўлса ёки ўз вақтида етказиб берилмаса махсулот чиқиши ва сифатига таъсир қилади.</p>
<p>Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини янада ривожланишига кенг имкониятлар яратилмокда.</p>	<p>Четдан бошқа тур ўсимлик мойлари кириб келиши кўпайиши ва аҳоли пахта чигити мойини кам истеъмол қилиши мумкин.</p>
<p>Асосий рақобатчилар томонидан жамиятда ишлаб чиқарилаётган янги тур махсулотларни қисқа муддатларда ишлаб чиқариши имкониятлари кам</p>	<p>Халк истеъмоли учун замонавий кир ювиш ускуна ва воситаларининг кўпайиши натижасида хужалик совунига таълаб кескин камайиши мумкин</p>
<p>Вилоят худудида жамият фаолияти йўналишидаги йирик корхоналар қуриши учун зарурияти йўқлиги сабабли узок муддатга шу йўналишидаги ягона йирик корхона хисобланиб қолади.</p>	<p>Соапсток етказиб берувчи турдош корхоналар Олиен-пальметин ёз кислоталари ўрнини босувчи ёз кислоталари ишлаб чиқаришни ташкил қилишлари мумкин ва соапсток хом ашёси етишмаслиги мумкин</p>

## Бизнес ичкарисида

### Кучли томонлари

Жамият сифатли ўсимлик мойи махсулотлари, хужалик совуни, техник ва озуқавий саломас, техник ёғ кислоталари ва глицерин ишлаб чиқариш бўйича Хоразм вилоятида ва олеин -пальметин ёғ кислоталари қоришмаси ишлаб чиқариш бўйича республикада ягона йирик корхона ҳисобланиб, ўзининг **"Урганч ёғ-мой"** брендига эга.

Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган асосий махсулотлар юқори ликвидли ва уларга талаб катта Жамиятда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар турлари турдош корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулот турларига (ассартимент) нисбатан анча кўп ва сифати юқори

Жамият қарийиб 100 йилдан зиёд бўлди ўсимлик мойи ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўрсатади ва унда юқори малакали ишчи- хизматчилар ишлайди.

Жамиятда ўз махсулотларидан қайта ишлаш асосида янги тур махсулотлар ишлаб чиқариш ва қadoқланган махсулотлар турларини кўпайтириш йўлга қўйилмокда ва янги ишчи ўринлари яратилмокда.

Жамиятнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган

махсулотларни чуқур қайта ишлаш хисобига махсулот таннархи анча арзонга тушмокда.

Жамиятда экспортбоб саноат махсулотларни ишлаб чиқариш имконияти бошқа турдош корхоналарга қараганда юқори.

### Заиф томонлари

Жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш хом-ашё манбаси асосан техник пахта чигити ва четдан валюта хисобига сотиб олиннадиган ноананавий мойли уруғликлар хисобланади. Жамият ушибу хом ашё ўз вақтида сотиб олаолмаса ёки берилмаса жамиятнинг бошқа ишлаб чиқариш йўналишига ўтиши ўта қийин, бунинг натижасида ишлаб чиқариш фаолияти тўхтаб қолиш эҳтимоли юзага келади ва хоказолар...

Жамиятдан юқори малакали ва тажрибали ишчи-ходимларнинг кетиб қолиш эҳтимоли.

Қувватлардан етарли фойдалана олмаслиги махсулот таннархини ошишига, сифатини бузилишига таъсир қилиши ва иқтисодий барқарорликка эришолмаслиги натижасида шериклар акциядорлар бошқа томонлар билан ўзаро алоқани бузилишига олиб келади.

## **6. Жамият фаолиятни стратегик риволантиришда таваккалчилик ва уни тахлили**

*Таваккалчилик – бу ишлаб турган операцион тизим кўрсаткичларининг огишига таъсир этувчи ходисаларнинг пайдо бўлиши оқибатида, ташкилот ресурсларининг бир қисми томонидан махрум бўлиш, даромад олмаслик ёки кўшимча харажатларга мажбур бўлиш эҳтимолдир.*

Жамиятнинг 2016-2020 йиллар учун ишлаб чиқилган стратегик ривожлантириш режа лойихаси олдинги 5 йиллик фаолиятида эришилган ютуқлар ва камчиликлар тахлил қилиниб шу асосда ишлаб чиқилди.

### **1. Ишлаб чиқаришдаги таваккалчилик.**

*Таваккалчиликнинг асосий белгилари хом-ашё, материаллар, энергия ресурслари ва ишчи кучи етишмаслиги.*

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни таваккалчилигини олдини олиш чора тадбирлари. Пахта чигитини қайта ишлаш бўйича Хоразм вилоятида ягона корхона бўлганлиги, ишлаб чиқариш қувватини камида 40-50 фоизга таъминлангани, корхонанинг бошқа ёғли экинларни қайта ишлаш имкониятига эгаллиги ва мижозларга тегирмон хақи хисобига қайта ишлаб бериши мумкинлиги. Материалларни сотиб олиш учун маблағга эгаллиги. Жамият ишчи-хизматчилари моддий ва ижтимоий химояланганлиги.

### **2. Техник таваккалчилик:**

*Таваккалчиликнинг асосий белгилари асосан ускуналарни бузилиши, мавжуд дастгоҳларни ишдан чиқиши. Жамиятда бино-иншоотлар ва асбоб-ускуналарни таъмирталаб бўлиб қолиши.*

Кутилаётган техник таваккалчиликни олдини олиш чора-тадбирлари. Ишлаб чиқаришни бир маромда кетишини таъминлайдиган муҳандис - техник ходимлар ва юқори малакали ишчиларнинг мавжудлиги, дастгоҳларни капитал ва жорий таъмирлаш учун маблағ ажратилганлиги ва сифатли таъмирланиши, шунингдек қайта ишлаш учун бериладиган хом-ашёларнинг сифатли сақлаш имкониятига эга омборхона ва махсус техникаларни мавжудлиги ва бошқалар...

### **3. Махсулот сотиш бўйича таваккалчилик:**

*Таваккалчиликнинг асосий белгилари корхонада тайёр махсулотлар қолдизини кўпайиши ва пул тушимининг камайиши.*

Жамият hozирда «O'z DSt ISO 9001:2009 Сифат менеджменти» сертификати бўйича фаолият олиб бормоқда. Шунингдек «O'z DSt ISO 22000:2005 озик-овкат махсулотларини хавфсизлиги менежменти» тизими фаолияти сертификатига эга. Махсулотларнинг таннархини камайтириш мақсадида корхонада хом-ашё ва материаллар, пул маблағларидан фойдаланиш ва махсулотларни сифатини яхшилаш устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Шунингдек ишлаб чиқилган сотиш учун мўлжалланган махсулотларнинг хавфсизлик даражасига қаттиқ эътибор қаратилган. Ишлаб

чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори ликвидлилиги ва асосий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар товар-хом ашё биржаси орқали Республика бўйлаб сотилиши амалга оширилган.

#### **4. Молиявий таваккалчилик.**

*Таваккалчиликнинг асосий белгилари корхона ҳисоб рақамида маблағ бўлмайд қолиши ва хом-ашё етказиб бериш ҳамда ишлаб чиқаришда узиллишлар бўлиши.*

Кутилаётган молиявий таваккалчиликни олдини олиш чора - тадбирлари. Корхона кўп йиллардан буён Миллий банкнинг Урганч бўлими билан ҳамкорлик қилади ва зарурият туғилганда кредит маблағлари билан таъминланиб турилади. Ҳар йили олинган фойдадан кутилаётган молиявий таваккалчиликка захиралаб қўйиши кўзланган.

Хатарни (таваккаллик) суғурталаш, унинг даражасини пасайтиришнинг энг кенг тарқалган усулларида ҳисобланади. Лойиханинг самарадорлиги шундаки, кредит маблағи эвазига сотиб олинадиган асосий воситалар суғурталанади. Суғурталашдан мақсад, жамият хатардан қисман ёки бутунлай қочиш мақсадида ўз даромадининг бир қисмидан воз кечади.

## 7. Жамиятнинг стратегик ривожлантиришни муқобил йуллари.

1). *Чекланган усши (бунда жамият эришилган ютуқларни мустахкамлаш, бозордаги урнини кучайтириш стратегияси);* - жамият хозирги кунда молиявий барқарор ҳисобланиб ушбу кўрсаткичларни бир маромда ушлаб туриши ва бозорда ўз ўрнини бошқа рақобатчиларга бериб қўймаслиги зарур. Бунинг учун ишлаб чиқаришни интенсив усулда ривожлантириш, яни ишлаб чиқариш хом-ашёларидан махсулот олишни янада ошириш, Махсулотлар сифатини янада яхшилаш ҳисобига рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

2). *Ўсиш (диверсификация стратегияси, бозорни ривожлантириш стратегияси);* - чегараланган хом-ашёлардан олинадиган махсулотлар турини кўпайтириш ва чуқур қайта ишлашни амалга ошириш натижасида махсулотлар диверсификацияси кўрсаткичларини ошириш ва янги тур махсулотлар ҳисобига бозорни ривожлантиришдан иборат.

3). *Қисқартириш (тугатиш. ишлаб чиқаришни қисқартириш ва харажатларни қисқартириш стратегияси);* - ишламай турган, иктисодий самара бермаётган цех ва ускуналарни тугатиш ҳисобига ишлаб чиқаришни айрим сохаларини қисқартириш ва уларни ўрнига янги замонавий ускуналар ўрнатиш ёки бошқа тур махсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига. Харажатларни оптималлаштириш (энергия ресурслари, материаллар сарфини камайтириш ва иш ўринларини атесстация қилиш, ходимларни малакаси бўйича атесстациядан ўтказиш ҳисобига ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш) зарур бўлади.

4). *Уйғунлаштирилган (юқорида кўрсатилган учта стратегияни уйғунлаштириш стратегияси);* - ушбу стратегия жамият учун ўта мақбул стратегия ҳисобланиб жамиятнинг бир маромда ривожланиши, иктисодий самарасиз ишлаб чиқаришлардан воз кечиш ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш ва ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади. Ушбу стратегияни амалга ошириш ўта муҳим ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган стратегик кўрсаткичлар жамиятнинг 2016-2020 йилларда ривожлантириш стратегия режаси лойихасида ҳам кўзда тутилган.

## **8. Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясини амалга оширишдан кутилаётган натижалар.**

Узоқ муддатли истиқболга оид ривожланиш стратегияси амалга оширилиши натижасида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш амалга оширилади.

Акциядорларга, жамиятнинг стратегик ривожлантириш асосида аниқ мақсадларга эриши туғрисида маълумот бериш асносида ўз акцияларининг келгусида қандай мақсадларга ишлатилиши ва ундан олинадиган даромадлар бўйича маълумотларга эга бўладилар.

## **9. Ривожлантириш стратегияси амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш.**

Жамиятда стратегик ривожланиш режаси бўйича белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган сон ва сифат мезонларини жорий этади.

Кузатув кенгаши ижроия органи, жамият ички назорат органи, жамиятда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, жамиятнинг стратегик ривожланиш режасида белгиланган мақсадларни бажарилишини назорат қилади. Ушбу юзадан ижроия органи хисоботларини тинглайди. Ушбу юзадан қарорлар қабул қилади. Зарур бўлганда стратегик ривожланиш режаси бажарилиши бўйича мониторинг ўтказиш учун экспертларни жалб этади.

Жамият акциядорлар умумий йиғилиши хар йили ижроия органи ва кузатув кенгашининг акциядорлик жамиятини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича хисоботларини кўриб чиқади, стратегиянинг ўзи эса тузатиш киритиш нуктаи назардан ўрганилади.

*Жамиятнинг ушбу стратегик ривожлантириш режа дастурига тегишли соҳа, тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

**Корпоратив ривожлантириш стратегияси лойихасини  
тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи таркиби.**

- Абдуллаев С. - перспектив ривожлантириш ва инвестициялар бўйича директор
- Тураев Т.А. - бош ҳисобчи
- Худойбергандов М. - бизнесни стратегик ривожлантириш ва режалаштириш бўлими бошлиғи
- Фазилова М. - етакчи иқтисодчи
- Палвонов Ш. - меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлаш бўйича иқтисодчи
- Шамуратов Р. - янги техника ва технологиялар бўйича етакчи мутахассис
- Холмуродов Д. - ташки иқтисодий алоқалар бўйича бош мутахассис.